



**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ**

6 – сонли баёни

Манзил: Ўзмилийбанк Бош офиси, Тошкент
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2021 йил “07” январь
Иш вақти: 10:30 – 12.30

“Ўзмилийбанк” АЖнинг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзмилийбанк” АЖ Кузатув Кенгаши раиси Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 17 декабрдаги 44-сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда “Ўзмилийбанк” АЖ Уставига мувофиқ банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2021 йил 07 январь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 18.12.2020 йилда Банкнинг расмий веб-сайтида ҳамда Корпоратив маълумотлар ягона порталида жойлаштирилган, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (e-xat орқали) юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 61-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2021 йил 01 январь куни деб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 01 январь ҳолатига шакллантирилган.

2021 йил 01 январь ҳолатига банкнинг устав капитали 11 978 074 379 000 (ўн бир триллион тўққиз юз етмиш саккиз миллиард етмиш тўрт миллион уч юз етмиш тўққиз минг) сўмни ташкил қилади ва у 11 978 074 379 (ўн бир миллиард тўққиз юз етмиш саккиз миллион етмиш тўрт минг уч юз етмиш тўққиз) дона номинал қиймати 1000 (минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акциялар ташкил қилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз Санок комиссияси раиси – Бахром Юсуповга берилди.

Санок комиссияси томонидан “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг реестрига кўра, 2021 йил 01 январь ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга 11 978 074 379 дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – 4 972 047 182 дона (41,5%) оддий акцияларга ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси - 7 006 027 197 дона (58,5%) оддий акцияларга эгалик қилади.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 11 978 074 379 донасига ёки 100,0 фоизига эгалик қилувчи 2 нафар акциядор (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи О.Насритдинходжаев “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқарув аъзолари ва банкнинг масбул департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди.

Йиғилиш Раёсати: О.Насритдинходжаев, Ш.Вафаев

Йиғилиш котиби: Б. Юсупов.

Санок комиссияси: Б.Юсупов, Б.Турапов, Н. Махмуджанов

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятида банк Бошқаруви фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (КРІ) тасдиқлаш тўғрисида.

2. “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг 27.02.2020 йилдаги 2-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилиши баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Умумий йиғилишнинг иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масала бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- кун тартибидagi масалаларни кўриб чиқишга – 20 дақиқагача;
- маърузалар бўйича муҳокомага – 10 дақиқагача;
- кун тартибидagi масалалар бўйича овоз бериш учун - 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан йиғилишга раислик қилувчи О. Насритдинходжаев сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

1-масала юзасидан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2019 йилдаги ПҚ-4487-сонли “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг 8-бандига мувофиқ Молия вазирлиги зиммасига молиявий самарадорлик, инвестиция ва кредит портфелларининг сифати, шунингдек, депозитларни жалб қилиш соҳасидаги фаоллигига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда ижро этувчи органлар (бошқарувлар) самарадорлиги мезонларини ишлаб чиқиш ва белгилаш вазифаларини ҳал этиш функцияси юклатилган.

Молия вазирлиги томонидан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 65-моддасига асосан Ўзмиллийбанкнинг 4972047182 дона оддий акцияларига эгалик қилишини инобатга олган ҳолда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (КРІ) тасдиқлаш тўғрисидаги масалани киритиш сўралган (Молия вазирлигининг 01.12.2020 йилдаги ТҲ3321712822-сонли хати).

Шу муносабат билан “Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (КРІ)” тасдиқлаш таклиф этилди.

2-масала юзасидан: “Ўзмиллийбанк” АЖ Кузатов кенгаши таркибига бугунги кунда 5 киши, шу жумладан 1 та мустақил аъзо кириши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 21.10.2020 йилдаги 04-2298ХДФУ-сонли хатида “Ўзмиллийбанк” АЖ Кузатов кенгаши таркибига қўшимча банк соҳасида юқори малакали хорижий экспертни мустақил аъзо сифатида жалб қилиш тўғрисида қайд этилган.

Банкнинг Кузатов кенгаши таркибидagi мустақил аъзоларнинг мукофотлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Молия вазирлиги 04.12.2020 йилдаги ҲҲ3586278678-сонли хати билан банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кузатов кенгаши аъзоларини мукофотлаш тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартиришлар киритиш сўралган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Низомга Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига тўланадиган мукофот пули акциядорлар томонидан белгиланишини назарда тутувчи қўшимча киритиш таклиф қилинди.

Кун тартибига киритилган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КРІ) (Молия вазирлигининг 01.12.2020 йилдаги ТҶ3321712822-сонли хати билан тақдим қилинган) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - 11 978 074 379 овоз (100%), “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Низомнинг 2.2-банди қуйидаги тахрирдаги янги 2-хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси ва банк акциядори/лари (ёки бевосита банк) ўртасида, мустақил аъзонинг ваколатлари, мажбуриятлари ва мукофот пули миқдорини белгиловчи алоҳида шартнома тузилиши мумкин”.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - 11 978 074 379 овоз (100%), “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг
умумий йиғилиши раиси



О.З. Насритдинходжаев

Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи



Б.М. Юсупов



Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Низомга Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига тўланадиган мукофот пули акциядорлар томонидан белгиланишини назарда тутувчи қўшимча киритиш таклиф қилинди.

Кун тартибига киритилган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (КРІ) (Молия вазирлигининг 01.12.2020 йилдаги ТҲ3321712822-сонли хати билан тақдим қилинган) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - 11 978 074 379 овоз (100%), “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.


2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Низомнинг 2.2-банди қуйидаги тахрирдаги янги 2-хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси ва банк акциядори/лари (ёки бевосита банк) ўртасида, мустақил аъзонинг ваколатлари, мажбуриятлари ва мукофот пули миқдорини белгиловчи алоҳида шартнома тузилиши мумкин”.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - 11 978 074 379 овоз (100%), “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг
умумий йиғилиши раиси

 **О.З. Насритдинходжаев**

Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи

 **Б.М. Юсупов**

ҮҮ3586278678-сонли хати билан банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартиришлар киритиш сўралган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Низомга Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига тўланадиган мукофот пули акциядорлар томонидан белгиланишини назарда тутувчи қўшимча киритиш таклиф қилинди.

Кун тартибига киритилган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларининг (КРІ) намунаси (Молия вазирлигининг 01.12.2020 йилдаги ТҲ3321712822-сонли хати билан тақдим қилинган) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - 11 978 074 379 овоз (100%), “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги Низомнинг 2.2-банди қуйидаги тахрирдаги янги 2-хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси ва банк акциядори/лари (ёки бевосита банк) ўртасида, мустақил аъзонинг ваколатлари, мажбуриятлари ва мукофот пули миқдорини белгиловчи алоҳида шартнома тузилиши мумкин”.

Овоз берилди: 11 978 074 379 овоз.

“Ёқлайман” - 11 978 074 379 овоз (100%), “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг
умумий йиғилиши раиси

О.З. Насритдинходжаев

Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи

Б.М. Юсупов

“Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларининг
2021 йил “7” январдаги
6-сонли навбатдан ташқари умумий
йиғилишига илова

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги низомга киритилаётган қўшимча матни:

Низомнинг 2.2-банди қуйидаги тахрирдаги 2-хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси ва банк акциядори/лари (ёки бевосита банк) ўртасида, мустақил аъзонинг ваколатлари, мажбуриятлари ва мукофот пули миқдорини белгиловчи алоҳида шартнома тузилиши мумкин”.

Бошқарув раиси

А.Мирсоатов

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги низомга

КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧА

Амалдаги таҳрир	Киритилаётган ўзгариш	Изоҳ/Асос
<p>2.2 Агар Кузатув кенгаши аъзоси халқаро тажрибага эга ва халқаро ва/ёки хорижий молия ташкилотларида ишлаш амалиётига эга бўлган юқори малакали мутахассис бўлса, акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан унга алоҳида мукофот миқдори белгиланиши мумкин.</p>	<p>2.2 Агар Кузатув кенгаши аъзоси халқаро тажрибага эга ва халқаро ва/ёки хорижий молия ташкилотларида ишлаш амалиётига эга бўлган юқори малакали мутахассис бўлса, акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан унга алоҳида мукофот миқдори белгиланиши мумкин.</p> <p>Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси ва банк акциядори/лари (ёки бевосита банк) ўртасида, мустақил аъзонинг ваколатлари, мажбуриятлари ва мукофот пули миқдорини белгиловчи алоҳида шартнома тузилиши мумкин.</p>	<p>Молия вазирлигининг 01.12.2020 й.даги ТЈ3321712822-сонли хати</p>